

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2011 йил 14 декабрь, № 241 (5408) Чоршанба


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги Битимни (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 24 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 6 декабрда маъқулланган

Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги Битим (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 13 декабрь
№ ЎРҚ—307

**«Маҳалла» жамғармасининг ҳисобот-сайлов конференциялари**

***Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Янгиланиш ва модернизациялаш жараёнларида маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни мустақил ҳал қилиш ва давлат бошқарувида фуқароларнинг ҳаққоний иштирокини таъминловчи ҳуқуқий кафолатлар тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир.***

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТИ

Чунончи, фуқаролик жамияти тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришда ноёб, яъни илдизлари халқ анъаналарига уйғун ва тарихан таркиб топган жамоа муносабатлари — маҳаллага бориб тақаладиган механизм тузилди. Давлатчилигимиз тарихида "маҳалла" тушунчасининг Конституциямизга киритилиши унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Бугун мамлакатимизда 10 мингга яқин фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, улар ўз фаолияти билан амалда аҳолини тўлиқ қамраб олган. Ушбу институт мисолида биз мамлакатни демократлаштириш йўлида амалга оширилаётган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётганлигини яққол кузатишимиз мумкин.

Кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишда ўзининг 14 та ҳудудий, 196 та туман ва шаҳар бўлимига эга бўлган Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки жамғарманинг Низом вазифалари айнан маҳаллаларда асрлар мобайнида шаклланган миллий урф-одатлар ва анъаналарни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, маҳаллалар ишини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Шу кунларда "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳудудий бўлимларининг жойларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов конференцияларида 2006 — 2011 йилларда олиб борилган ишлар атрофлича таҳлил этилмоқда ҳамда жамғарма олдида турган устувор вазифалар муҳокама қилинмоқда.

### Қорақалпоғистон Республикаси

"Маҳалла" хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви ҳисобот-сайлов конференциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан сайланган делегатлар, ҳамкор ташкилот вакиллари иштирок этди.

Тадбирда жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раисининг ўтган беш йил мобайнида амалга оширилган ишлар хусусидаги ҳисоботи тингланди. Унда қайд этилганидек, ўтган давр давомида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида

(Давоми 2-бетда).

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан**



## ВАТАНПАРВАР, САДОҚАТЛИ, МАТОНАТЛИ

### ҳарбийларимиз она-юрт осойишталиги посбонларидир

***Ўтган йиллар давомида Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ва шакллантириш борасида улкан ишлар бажарилди. Кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, ҳарбийлик касбининг нуфузи ошди, эгнига ҳарбий либос кийиш ёшларимиз учун юксак шарафга айланди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳаётга татбиқ этилган янгича анъаналар туфайли миллий армиямизда сержантлар корпусига бўлган эътибор кучайтирилиб, улар мақоми юксалди. Бугун сержантлар миллий армиямизнинг том маънодаги таянчи, аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчиси, деган номни оқламоқдалар.***

Аскарнинг жанговар тайёргарлиги ва шайлиги юқори бўлиши кўп жиҳатдан айнан кичик командирларнинг профессионаллик даражаси, интеллектуал салоҳияти ҳамда етакчилик қобилиятига боғлиқ. Зеро, сержантларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақда гап борар экан, Президентимизнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтиш ўринли: "Офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, интеллектуал жиҳатдан етук, стратегик фикрлай оладиган офицер кадрлар, шунингдек, қўл остидаги бўлинмаларни самарали бошқаришга, уларда соғлом ахлоқий-руҳий вазиятни сақлашга қодир профессионал сержантларни тайёрлайдиган ҳарбий билим юртлари ва сержантлар мактаблари фаолиятини замон талаблари ва стандартларини эътиборга олган ҳолда тубдан яхшилаш асосий вазифа бўлиб қолмоқда".

Шу ўринда эътироф этиш керакки, сержантлар тайёрлаш мактабларини тамомлаган кўплаб мутахассис ҳарбий хизматчилар ҳозирги кунда юртимизнинг турли гарнизонларида, барча қўшин турларида хизмат қилиб, юксак эътирофга сазовор бўлаяптилар.

### Илғорлик масъулияти

Маълумки, Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказиладиган турли кўрик-танловларнинг натижалари Ватан ҳимоячилари куни арафасида эълон қилинади. 2010 йил якунлари бўйича Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби "Энг илғор сержантлар тайёрлаш мактаби" танловида ғолибликни қўлга киритган эди.

— Бугунги кунда ҳарбий хизматчилар, хусусан, сержантлар корпусига алоҳида эътибор қаратилиб, улар олдига катта талаблар қўйилмоқда, — дейди сержантлар тайёрлаш мактаби масъул офицери Абдувоҳид Бозоров. — Қувонарлиси, курсантларимиз ўзларига билдирилган юксак ишонч ва масъулиятни дилдан ҳис этмоқдалар, ҳарб илмини чуқур ўзлаштиришга интилмоқдалар. Бизнинг вазифамиз эса ҳарбий хизматчиларнинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, профессионаллик даражаси ва малакасини янада ошириш, соҳадаги илғор тажрибалардан хабардор қилиш ҳамда уларни қўллаш бўйича кўникмаларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, кўп йиллик хизмат ва ҳаётий тажрибага, педагогик маҳоратга эга ўқитувчи-офицерларни ўқув жараёнига жалб қилишдан иборат.

(Давоми 4-бетда).

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

### қонун ҳужжатлари билан янада такомиллашади

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича илгари сурилган қонунчилик ташаббусларини рўёбга чиқариш борасида агентлик томонидан амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, соҳанинг қонунчилик асослари яратилиши ҳамда изчил такомиллаштириб борилаётгани

(Давоми 2-бетда).

***Ҳиндистонда нашр қилинадиган нуфузли "The Sunday Indian" журнали саҳифасида ўзбек халқининг мустақиллик йилларидаги маданий ва маънавий қадриятлари ривожига бағишланган "Миллий маданиятнинг қайта тикланиши: ўзбек модели" сарлавҳали мақола чоп этилди.***

**«The Sunday Indian»:**

## «ЎЗБЕКИСТОН ЎРТА ОСИЁНИНГ МАДАНИЙ ПОЙТАХТИ БЎЛГАН ВА ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ»

"Ҳеч бир миллат ўз тили, дини, маданияти, анъаналари ва адабиётини асраб-авайламасдан яшай олмайди, — дея ёзилади журналда. — Буни теран англаш мустақил ривожланиш йилларида Ўзбекистоннинг маданият соҳасидаги сиёсатининг марказида бўлди ва бундан кейин ҳам шундай давом этади.

Ўзбекистон ўзининг мўъжизавий гўзалликка эга бўлган кўҳна Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Хива каби тарихий шаҳарлари, ноёб маданияти, анъана ҳамда урф-одатлари билан доимо Ўрта Осиёнинг маданий, диний ва маънавий маркази сифатида танилиб келган".

Нашр Ўзбекистон истиқлолга эришгандан сўнг мустақил ички ва ташқи сиёсати асосларини яратгани ҳамда уларни ҳаётга изчил татбиқ этгани, аҳолисининг диний жиҳатдан бағрикенглик қарашлари туфайли дунё мамлакатлари ўртасида ўз эътирофини топганига алоҳида эътибор қаратади.

"Мустақиллик Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайити ҳамда Наврўз сингари байрамларни давлат миқёсидаги байрамлар, деб эълон қилишга имкон бердики, бугунги кунда

**Биз ва жаҳон**

улар мамлакат бўйича кенг нишонланади. Шунингдек, мустақиллик халққа ўз диний удумларини эркин адо этишга, хусусан, ислом динининг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишга ҳам имконият яратди.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатда ўзбек халқининг Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек ва бошқа кўплаб буюк сиймолари номлари қайтадан кашф этилди. Бу улуғ мутафаккирлар қаламига мансуб кўплаб асарлар нашр қилиниб, улар ўзбек халқининг тарихий мероси тўғрисидаги билимларни бойитишга муҳим ҳисса қўшмоқда", дея ёзилади журналда.

Мустақиллик йилларида мамлакат маданий ҳаётидаги муҳим саналарга оид воқеалар хусусида хабар берар экан, "The Sunday Indian" Ўзбекистонда буюк аждодлар юбилейлари кенг нишонланиши яхши анъанага айланиб қолганини қайд этади.

Журналда таъкидланганидек, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йили ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилингани мамлакат маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Хусусан, "Ўзбекистонда минглаб тарихий масканлар, ёдгорликлар ҳамда дунёга таниқли алломаю мутафаккирларнинг мақбаралари қайта тикланди, таъмирлаб, обод этилди. Бугунги кунда уларнинг барчаси бутун дунёдан олимлару сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда".

(Давоми 2-бетда).

## ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАР ЭЪЗОЗИ

***Президентимиз ташаббуси билан кириб келаётган 2012 йил юртимизда "Мустаҳкам оила йили" деб номланди. Бу эса ҳар биримизни беҳад қувонтирди. Чунки оилалар қадрланган юртда қут-барака бўлади.***

**Дил сўзи**

Албатта, оила шани, обрўси биз учун азалдан ҳамма нарсадан устун бўлиб келган. Ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли ижтимоий ҳаётда оиланинг аҳамияти янада ортди.

Бугун дунё қалқиб турибди. Одамзод турли ижтимоий муаммолар, эҳтиёжлар гирдобида ҳаёт кечирмоқда. Бундай вазиятда, одатда, таълим-тарбия, маънавият масалаларига путур етиши мумкин. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг янги йилни "Мустаҳкам оила йили" деб аташлари замирида аждодлардан мерос улуғ қадрият ва анъаналарга эҳтиром, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш борасидаги ғамхўрлик мужассам эканлигини англаб етамиз. Чунки оила соғлом экан, маҳалла тинч, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор.

Мустаҳкам оила йилида кўзда тутилган мақсад-муддаолар ниҳоятда улуғвор. Бу билан, аввало, оиланинг маънавий бутунлиги, шу билан бирга, унинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан тўкислигига эришиш кўзда тутилган. Президентимиз таъбири билан айтганда, энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш — буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда, давлат ва жамиятимиз масъулдир.

Халқимизга хос хислатлар ҳақида гап кетганда, кўплаб фазилатлар қатори болажон, меҳмондўст, деган иборалар ҳам бот-бот тилга олинади. Бу бежиз эмас. Зеро, фарзанд орзу-ҳаваси билан яшаб, унинг камолини кўришни муқаддас мақсад, деб биламиз. Уйимизга меҳмон келса, тансиқ таомлар пишириб, иззат-ҳурматини жойига қўямиз. Буларнинг барчаси оилавий тотувликка бориб тақалади. Бинобарин, оилада ўзаро ҳурмат-иззат муносабатлари яхши йўлга қўйилган экан, бундай хонадонда тарбияланган фарзанд намунали хулқ-атвор эгаси бўлади, жамиятга, эл-юртга нафи тегади.

Ана шундай эзгу орзу-умидларни кўзда тутган Мустаҳкам оила йили хайрли, баракали, файзли кечсин...

**Ғанишер ЭРГАШЕВ,**
**Қибрай туманидаги «Соҳибкор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Бежирим мебеллар

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Олмалиқ шаҳрида жорий йилнинг ўн ойи мобайнида тадбиркорлик субъектларига қарийб 14 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бу эса 2035 та иш ўрни яратиш имконини берди.**

"Темурбек-Рустамбек сервис" хусусий корхонасида ҳам банкнинг кўмаги билан замонавий мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ўн нафар маҳаллий уста ва ҳунарманд ишлаётган янги цехда тайёрланаётган мебеллар ўзига хос дизайни ва сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Эътиборлиси, корхона жамоаси дастлабки 20 миллион сўмлик мебель тўпламларини савдо шохобчаларига чиқарди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Банк кўмаги қўл келди

**СУРХОНДАРЁ вилоятида 2011 йилда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган умумий қиймати 3,8 миллион АҚШ долларилик 8 та лойиҳа амалга оширилди.**

Хусусан, Шеробод туманидаги "Қурувчи Шеробод стандарт" корхонасида сараланган шағал ва қум тайёрлашга мўлжалланган технологик линия ишга туширилди. Ушбу лойиҳа банкнинг 235 минг АҚШ долларилик кредити ҳисобидан молиялаштирилди. Корхона хориждан келтирилган ускуналар билан жиҳозланганлиги бу ерда тайёрланаётган маҳсулот сифати яхшиланишининг бош омили бўлди.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «Кумуш тола» жилоси

**АНДИЖОН. Тадбиркор Мусажон Умаров саъй-ҳаракати билан йилига 30 тонна пиллани қайта ишлайдиган "Кумуш тола" корхонаси фаолият кўрсата бошлади.**

Ушбу лойиҳа банк кредити эвазига амалга оширилди. Хорижнинг илғор технологиялари ўрнатилган корхонада тайёрланаётган маҳсулот маҳаллий тўқимачиларга етказиб берилмоқда.

Вилоятда 2011 йилда 1636 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилди. Натижада 22172 та иш ўрни яратилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### 85 та турдош корхона

**ҚАШҚАДАРЁ вилоятида жорий йилнинг ўтган даврида сут ва гўштни қайта ишлайдиган 10 дан ортиқ корхона ташкил этилиб, шу турдаги ишлаб чиқариш субъектлари сони 85 тага етди.**

Жумладан, Деҳқонобод туманида ҳам дудланган ва пиширилган гўшт маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган "Аҳмад Абдусатторович" хусусий корхонаси иш бошлади. Банкнинг 180 миллион сўмлик молиявий кўмаги билан корхонага хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. 11 кишилик жамоа қисқа муддатда 2 тоннадан ортиқ сифатли маҳсулотни савдо шохобчаларига етказиб берди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

кам таъминланган оилалар, ногирон, боқувчисини йўқотганларга моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, чекка ҳудуддаги овулларда жойлашган фуқаролар йиғинларини замонавий алоқа воситалари, мебель ва компьютер жамланмалари билан таъминлаш, маҳаллаларда спорт майдончаларини қуриш ва уларни етарли инвентарлар билан бойитишга ҳам эътибор қаратилди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгиланган аниқ чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ишлаш йўлга қўйилди. Айниқса, фуқаролар йиғинлари ҳудудида тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, корхона ва маҳсулот ишлаб чиқарувчи ташкилотларда касаначиликни йўлга қўйиш, ёшлар бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратишда муайян ютуқларга эришилди.

Шунингдек, конференцияда Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, бўлим томонидан 2012 — 2014 йиллар давомида амалга оширилиши лозим бўлган келгуси устувор вазифалар атрофлича муҳокама этилди. Айни пайтда 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб номланиши муносабати билан амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди.

## Сирдарё вилояти

"Маҳалла" хайрия жамғармаси Сирдарё вилояти бўлими бошқарувининг ҳисобот-сайлов конференциясида ҳам бўлим томонидан амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, устувор вазифалар белгилаб олинди.

Унда қайд этилганидек, 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинганини сирдарёликлар мамнуният билан кутиб олдилар. Юртбошимиз ўз маърузасида "Мустаҳкам оила" ғоясининг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном олган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёс эканлигини, бунинг исботини ҳар қадамда кўраётганимизни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ҳисобот даврида вилоят бўлими томонидан муайян ишлар амалга оширилганлиги, айниқса, кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилгани қайд этилди. Жамғарманинг вилоят бўлими томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 1670 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол олиб берилди. "Устоз — шогирд" йўналишида эса кам таъминланган оилалар фарзандлари усталарга бириктирилди. Бундан ташқари, Саховат ва Мурувват уйларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида уларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Йиғилишда Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган таклиф ва ташаббуслардан келиб чиққан ҳолда, маҳалланинг ўрни ва ролини бундан-да ошириш борасида қилиниши зарур бўлган ишлар, мавжуд муаммо ва камчиликлар хусусида очиқ-ошкора, холис фикр алмашилди.

## Бухоро вилояти

"Маҳалла" хайрия жамғармаси Бухоро вилояти бўлими бошқарувининг ҳисобот-сайлов конференциясида фуқаролар йиғинларидан сайланган делегатлар ҳамда ҳамкор ташкилот вакиллари иштирок этди.

Анжуманда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалар кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, умуман, маҳаллани жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ошириш каби устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, жамғарманинг вилоят бўлими томонидан миллий анъаналаримизни асраб-авайлаш, маҳаллаларда маданий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган. Чунончи, фуқаролар йиғинлари биноларини таъмирлаш, жиҳозлаш, тегишли адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлаш бўйича бир қатор чоралар кўрилган.

Конференцияда маҳалланинг аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш ҳамда унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришдаги ролига доир фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Юртбошимиз томонидан тақдим этилган Концепцияда белгилаб берилган йўналишлар асосида маҳалла фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатини таъминлашдек устувор вазифалар иштирокчилар диққат-эътиборида бўлди.

## Фарғона вилояти

"Маҳалла" хайрия жамғармаси Фарғона вилояти бўлими бошқарувининг ҳисобот-сайлов конференцияси ошкоралик руҳида ўтиб, баҳс-мунозараларга бой кечди. Унда фуқаролар йиғинларидан сайланган 184 нафар делегат ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Конференцияда жамғарманинг вилоят бўлими томонидан ўтган беш йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилган ишлар сарҳисоб қилинди. Унда ўтган даврда тизим фаолиятини такомиллаштириш, йиғинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида муайян амалий ишлар бажарилгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, "Устоз — шогирд" анъаналарини кенгайтириш доирасида турли тадбирлар, меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Аҳоли бандлигини ошириш, айниқса, томорқадан унумли фойдаланиш борасида тўпланган тажрибаларни оммалаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш жамғарма бўлими фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлди. Мазкур чора-тадбирлар учун 11 миллион 600 минг сўм сарфлангани бунинг яққол исботидир.

Анжуманда йўл қўйилган хато ва камчиликлар, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам ўртага ташланди.

## Тошкент вилояти

"Маҳалла" хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими бошқарувининг ҳисобот-сайлов конференциясида сўз олганлар юртимизда истиқлол йилларида ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалланинг ҳуқуқий мақоми, ижтимоий мавқеи юксалиб, жамият ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти кенг кўлам касб этиб бораётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Конференцияда "Маҳалла" хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими бошқаруви раисининг 2006 — 2011 йиллардаги фаолиятига доир ҳисоботи тингланди. Қайд этилганидек, ҳисобот даврида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг жойларда маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшларнинг ахлоқий тарбияси, ижтимоий ҳимоя, бандлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш каби бир қатор масалалардаги иштироки ҳамда фаоллиги кучайди. Маҳалла идораларининг моддий-техник таъминоти янада яхшиланди.

Бўлим томонидан вилоятдаги олий ўқув юртларида таълим олаётган етим, ногирон талабаларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини бундан-да такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш, маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш юзасидан устувор вазифалар белгилаб олинди.

Мазкур конференцияларда жамғарманинг ҳудудий бўлимлари органлари ҳамда республика ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайланди. Уларда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳисобот-сайлов конференциялари бошқа ҳудудларда ҳам ўтказилмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

## қонун ҳужжатлари билан янада такомиллашади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш омили бўлмоқда. Хусусан, мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари миқдори салкам тўрт баробарга ошиб, бугунги кунда уларнинг сони 1200 дан ошгани ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Маълумки, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этиш билан бевосита боғлиқдир. Концепцияда ушбу вазифани амалга ошириш учун "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга, Концепцияда оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ҳамда парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадида яна бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги таъкидланган эди. Бунда, хусусан, давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни кўзда тутиш, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш ҳамда бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар устида иш олиб бориш зарурлиги уқтириб ўтилган эди.

Бугунги кунда агентлик томонидан "Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги ҳамда "Оммавий ахборот воситалари ва ахборот олиш соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилган бўлиб, уларни тайёрлашда кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари, халқаро тажриба ўрганилди, таклифлар олинди.

Чунончи, "Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги қонун лойиҳасида ахборот соҳасига бозор механизмларини олиб кириш, оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолият юритиши ва ривожланишининг муҳим шарти сифатида унинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, медиа-бозорда ҳалол рақобат механизмларини жорий этиш, интеллектуал мулк ва муаллифлик ҳуқуқини ишончли ҳимоялаш, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш каби вазифалар қамраб олинган.

Умуман, экспертларнинг фикрича, ушбу қонуннинг ҳаётга жорий этилиши медиа-бозор қатнашчилари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, ОАВнинг мулкий мустақиллигини таъминлаш, уларга қўшимча имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Матбуот анжуманида, шунингдек, Концепция талаблари асосида ишлаб чиқилган яна бир ҳужжат — "Оммавий ахборот воситалари ва ахборот олиш соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ҳақида ҳам батафсил ахборот берилди.

**Қобил ХИДИРОВ.**

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

# МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР

## замонавий кадастр тизимини янада ривожлантиришда долзарб аҳамиятга эга

Ер ресурсларидан унумли фойдаланишда мукаммал кадастр тизими катта аҳамиятга эга. Истиқлол йилларида бу борада амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида мазкур тизим ҳам замон талабларига уйғун тарзда ривожланди. Айни чоғда унинг мустаҳкам норматив-ҳуқуқий пойдевори яратилиб, илғор технологиялар ва геоахборот тизимларини ҳаётга жорий этиш, халқаро тажрибаларни ҳар томонлама ўрганишга эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги Қонуннинг ижросига бағишланган семинарда шулар алоҳида таъкидланди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашди.

— 2000 йилда қабул қилинган "Давлат кадастрлари тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кадастр тизими ривожида муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади, — деди қўмита аъзоси А. Акрамов. — Айтиш жоизки, бугунги кунда ушбу Қонун талаблари асосида юртимизда 21 соҳа кадастри иш олиб бормоқда. Уларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан мувофиқлаштириб келинмоқда.

Тадбирда давлат кадастри ягона тизимини ривожлантириш йўлида модернизация жараёнлари изчил рўёбга чиқарилаётганига урғу берилди. Айниқса, тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жадал татбиқ этилаётгани туфайли бугунги кунда ахборот алмашиш имкониятлари янада ошиб, ер ресурслари, табиий бойликлар сингари зарур захиралардан оқилона ва барқарор фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Семинарда "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги Қонун ижроси изчиллигини таъминлаш, бу борада самарадорликни ошириш муҳим эканлиги таъкидланиб, тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

**С. МАХСУМОВ.**

**«The Sunday Indian»:**

# «ЎЗБЕКИСТОН ЎРТА ОСИЁНИНГ МАДАНИЙ ПОЙТАХТИ БЎЛГАН ВА ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, журнал саҳифаларида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нафақат халқ тафаккурида ўзликни англаш туйғусини қайта тиклаш, балки хилмахиллиги ва бетакрорлиги билан ҳамиша ажралиб турувчи миллий санъат ҳамда маданиятнинг тараққиёти, уларнинг халқаро миқёсда эътироф этилиши жараёни юз бергани хусусида ҳам атрофлича фикр юритилган.

"Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда бир маротаба ўтказиладиган анъанавий "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ўзбек миллий мусиқасини тарғиб-ташвиқ қилиш ҳамда жаҳон мусиқа санъатидаги сўнгги тамойилларни намойиш этиш бўйича муҳим саҳнага айланиб қолдики, буни маданият соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг яққол самараси, дейиш мумкин.

Жорий йилда ушбу халқаро мусиқа анжумани саккизинчи маротаба дунёнинг кўплаб мамлакатлари санъат усталарини ўз атрофига тўплади. Унда "Warsi Brothers" ҳинд мусиқа гуруҳи ҳам қатнашди. Ҳиндистонлик мусиқачилар ўз санъатлари билан фестиваль мухлислари эътиборини қозонишгани ҳолда, танловнинг "Ёркин ижро" соврини соҳиби бўлишди.

Шу ўринда ўзбек халқининг маънавий мероси, урф-одат ва анъаналари қайта тикланишида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг ролини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистоннинг ноёб анъаналари ҳамда замонавий санъати, бой тарихий мероси ва маданий салоҳиятини дунё миқёсида оммалаштириш бўйича жамғарма томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Бутун бир мамлакат маданий тараққиётидаги барча жараёнларни биргина мақолада ёритиб беришнинг имкони йўқ. Шунга қарамай, Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг маданий маркази бўлганлиги ва шундай бўлиб қолажагини бугун комил ишонч билан баралла айта оламиз", дея ёзилади Ҳиндистоннинг "The Sunday Indian" нуфузли ҳафталик журналида.

**«Жаҳон» АА.**
Деҳли

# Соғлом авлод – юрт истиқболи

***Бугунги кунда хоҳ шаҳарда, хоҳ қишлоғу маҳаллаларда истиқомат қилишидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимиз малакали тиббий хизматдан баҳраманд.***

**Хизмат**

Пастдарғом туманида ҳам айни пайтда 53 та даволаш-профилактика муассасаси, 3 та шифохона, 2 та кўп тармоқли катталар ва болалар поликлиникаси, битта силга қарши кураш диспансери ҳамда 47 та қишлоқ врачлик пункти аҳоли хизматида. Уларнинг энг илғор тиббий ускуналар билан жиҳозланаётгани турли хасталикларга аниқ ва тезкор ташхис қўйиш ҳамда самарали даволаш имконини бераётир.

Хусусан, жорий йилда тумандаги туғуруқ мажмуасига "Саломатлик-2" дастури асосида "Babytherm" деб номланувчи замонавий неонатал жиҳозлар келтирилди. Ушбу ускуналар чақалоқларнинг тана ҳароратини бир маромда сақлаш хусусиятига эга. "Арабелла" CPAP аппарати эса турли нуқсонлар билан дунёга келган гўдакларга босим остида сунъий нафас беришда қўл келади. Табиийки, бундай илғор технологиялар мажмуада даволаш ишларини кўнгилдагидек йўлга қўйиш, соғлом фарзандлар дунёга келишини таъминлаш ҳамда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**СУРАТДА:** туғуруқ мажмуаси фаолиятидан лавҳа.

**Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.**

# «ЯГОНА ОЙНА» — ЭЛ ХИЗМАТИДА

***Сирдарё вилояти аҳолисининг телефон ва интернет хизматларидан фойдаланиши учун яна бир қулайлик яратилди.***

**Қулайлик**

Яъни "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Сирдарё вилояти филиали қошида "Ягона ойна" маркази фаолияти йўлга қўйилди. Натижада мижозлар шаҳар телефон хизмати, мобиль телефон алоқаси, интернет тизимига уланиш борасидаги ҳамда ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ барча масалаларни бир жойда, энг муҳими, қисқа вақт ичида ҳал қилиш имкониятига эга бўлдилар.

— "Ягона ойна" тизими асосида иш бошлагач, мижозларимиз сони сезиларли даражада ошди, — дейди "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Сирдарё вилояти филиали директорининг биринчи ўринбосари Анвар Маматқулов. — Агар илгари бизга ҳар ойда ўртача 70-80 киши мурожаат қилган бўлса, ҳозир абонентлар сонининг ойлик ўсиши 240 нафарга етди. Шу билан бирга, ходимларимиз учун жаҳон андозаларига мос иш шароитлари яратилди.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Кеча Тошкентда Ўзбекистон ва Жанубий Корея энергетика соҳаси мутахассислари ҳамда ишбилармон доираларининг қайта тикланувчи энергия манбалари мавзуига бағишланган форуми бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси, Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Корея энергетика, технологиялар, баҳолаш ва режалаштириш институти ҳамкорлигида ташкил этилди.***

# КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯСИ

## ёхуд қайта тикланувчи манбадан фойдаланиш афзалликлари

**Анжуман**

Анжуманда сўзга чиққанлар алоҳида таъкидлаганидек, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, айниқса, иқтисодий соҳада жадал ривожланиб бораётир. Бунда икки давлат раҳбарларининг расмий ташрифлари давомида имзоланган ҳужжатлар дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Соҳа мутахассислари қайта тикланувчи энергия манбаларига нисбатан "Келажак энергияси", дея таъриф беришади. Чунки у анъанавий энергияга нисбатан арзонлиги, тежамкорлиги ва экологик жиҳатдан безарарлиги билан ажралиб туради. Шу боис кейинги йилларда дунё бўйича муқобил энергиядан фойдаланиш суръати тобора ўсиб бораяпти. Айтиш жоизки, Корея Республикаси жаҳонда мазкур соҳа барқарор ривожланаётган мамлакатлар сирасига киради.

Ўзбекистонда эса, масалан, унинг табиий-географик жойлашувига кўра, қуёш, шамол, биомасса сингари муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш имконияти ниҳоятда катта. Айниқса, қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича барча вилоятларда қулай ҳудудлар мавжуд бўлиб, дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, бундай энергия ҳосил қилишнинг йиллик ҳажми 2 минг киловатт/соат квадрат метрга тенг. Мамлакатимизнинг 6 та минтақасида эса шамол энергияси ускуналарини ўрнатишга шароит яратилмоқда. Айни пайтда шундай ҳудудлардан бири — "Чорвоқ" сув омбори атрофида шамол энергияси қурилмаларини жойлаштириш ишлари жадал олиб борилаяпти. Мазкур манба ишга туширилгач, шамол ёрдамида 750 кВт электр энергияси ҳосил қилиш имконияти юзага келади.

Форумдан кўзланган мақсад эса томонларнинг энергетика соҳасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашиш, илғор технологияларни амалиётга изчил татбиқ этиш, энг асосийси, биргаликда муқобил энергия ҳосил қилиш ускуналарини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил этиш борасида тенг манфаатли келишувларга пойдевор қўйишдир.

— Бизнинг компаниямиз қуёш батареялари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, — дейди "Shinsung Solar Energy" компанияси директори ўринбосари Хонг Кеон Ки. — Корхонамиз дунёнинг кўплаб давлатлари билан ҳамкорлик қилаётгани юқори сифатли, жаҳон андозаларига тўла мос келадиган ускуналар тайёрлаш имконини бераяпти. Ниятимиз — юртингиз ишбилармонлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишдир. Чунки Ўзбекистонда муқобил энергиядан фойдаланишни ривожлантириш, зарур ускуна ва қурилмаларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилаётганидан хабардормиз.

Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, истеъмолчиларнинг ортиб бораётган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш мақсадида "Ўзбекэнерго" ДАК тизимида қайта реконструкция қилиш ва модернизациялаш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги "2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда. Гап шундаки, ушбу давр ичида умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларилик 44 та инвестициявий лойиҳанинг амалиётга татбиқ этилиши кўзда тутилган. Унинг 15 таси иссиқлик энергетикасида, 9 таси гидроэнергетикада, 16 таси электр тармоқларида, қолганлари эса тизимнинг бошқа йўналишларида рўёбга чиқарилади.

Модернизациялаш тадбирлари доирасида, айтайлик, муқобил энергиядан фойдаланишни жорий этишга устувор аҳамият берилаётгани ҳам қувонарлидир. Натижада жойларда бундай манбалардан фойдаланишга аллақачон киришилди. Масалан, Хоразм вилоятидаги 10 та қишлоқ врачлик пунктида электр ва иссиқлик энергиясини яратиш имконини берувчи қуёш батареялари ҳамда коллекторлари ўрнатилди. Бундай ускуналар Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги Меҳрибонлик уйларида ҳам қурилди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда айни чоғда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари Низоми, ундан фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантириш бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бу эса энергетика тизимида янги саҳифалар очилишига хизмат қилиши муқаррар.

Форумда Ўзбекистонда қуёш, шамол, биомасса сингари қайта тикланувчи энергиянинг истиқболлари, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишда халқаро тажриба ва замонавий технологияларнинг қўлланишига бағишланган туркум маърузалар тингланди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав | УН биринчи нав | УН иккинчи нав | ПАХТА ЁҒИ | СУЛЬФАТ АММОНИЙ |
|---|---|---|---|---|---|
| | 838,8 ▼ -6,3 | 631,2 ▼ -8,7 | 583,3 ▼ -0,2 | 2008,9 ▲ +76,5 | 220,6 ▼-0,07 |

***Мустақиллик инъом этган имкониятлар туфайли одамларимиз турмуш тарзи тобора фаровонлашиб бораётир. Шу маънода, аҳолининг сифатли маҳсулотларга талаби ҳар қачонгидан ошмоқда. Тадбиркорлар ҳам ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни харидорлар дидига мос, жаҳон андозаларига мувофиқ ҳолда тайёрлашга интилишаяпти.***

***Тошкент шаҳридаги “Simakx-Pars” хусусий корхонаси нисбатан янги ишлаб чиқариш субъекти бўлишига қарамай, маҳсулотлари билан ички бозорда ўз ўрнини топиб улгурди. Бу ерда дастлаб мебель ва бошқа жиҳозлар учун муҳим хом ашё — оддий эгилувчан поролон ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Кейинчалик “Simakx-Pars” фаолиятини кенгайтириб, мамлакатимиздаги етакчи енгил саноат корхоналаридан бирига айланди.***



# КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА ТАШАББУСКОРЛИК

## корхоналар салоҳиятининг юксалишида алоҳида аҳамият касб этади

Эндиликда бу ерда тайёрланаётган поролондан турли эҳтиёжлар учун фойдаланилаяпти. Хорижнинг замонавий ва илғор технологиялари маҳсулотларнинг сифатли ҳамда рақобатбардошлигини таъминлашга, иш унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Сифат — рақобат мезони. Шу боис корхона жамоаси ўз фаолиятини мунтазам такомиллаштириб бораётир. Натижада бу ерда ишлаб чиқарилаётган поролонларга республикамиздаги ишлаб чиқариш субъектларидан кўплаб буюртмалар тушаяпти.



— Маҳсулотларимизни тайёрлашда юқори сифатли хом ашёдан фойдаланамиз, — дейди корхона раҳбари ўринбосари Муроджон Маҳкамов. — Улар аниқ ва белгиланган меъёр асосида лаборатория текширувидан ўтказилганидан сўнг ускуналарга қуйилади ва қолипларга жойланади. Турли ҳажмдаги поролон бир кеча-кундуз давомида махсус хоналарда қуритилиб, цехга ўрнатилган дастгоҳлар ёрдамида дастлаб ён томонлари текисланади. Кейин керакли қалинликда қирқилиб, буюртмага мувофиқ ранг берилади.

Маълумки, юмшоқ мебеллар, шунингдек, бошқа уй жиҳозларини тайёрлашда поролон кенг қўлланилади. Хусусан, “Elite” туркумига мансуб универсал моделдаги пружинали тўшаклар ортопедик хусусиятга эгалиги билан харидорларга манзур. Қолаверса, уларнинг нархи ҳам нисбатан арзон. Бу турдаги жиҳозларни “Боннелль тўшаклари” деб ҳам аташади. Улар катта оғирликка мослашганлиги, чидамлилиги билан ажралиб туради.

“Comfort” русумли пружинасиз тўшаклар ҳам умуртқа поғонасида муаммоси бор кексалар ва ўсмирлар учун жуда фойдали ҳамда қулай. Сабаби, бундай маҳсулотлар таркибида латекс, поролон, от ёли ёки туя жуни мавжуд бўлади. Бундай тўшакда инсон оғирлиги бир текис тақсимланади.

Корхонада ўтган йилдан бошлаб шу турдаги ортопедик тўшаклар, ёстиқлар, қавилган ёпинчиқлар, ётоқ жиҳозлари ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Айни пайтда уларга тиббиёт муассасаларидан буюртмалар тушаётир.

Полиуретандан тайёрланган ортопедик ёстиқлар эса уйқуси сийрак беморлар учун мўлжалланган. У бошни ва умуртқа поғонасининг бўйин қисмини тўғри тутишни таъминлайди. Бу эса маромида ухлаш ва мароқли дам олиш имконини беради.

Шу ўринда спорт иншоотлари ҳам “Simakx-Pars” маҳсулотлари асосида тайёрланаётган анжомлар билан таъминланаётгани эътиборга лойиқ.

Корхонада сунъий ва табиий хом ашёдан ишлаб чиқарилаётган ёстиқ ҳамда адёлларнинг қулайлиги шундаки, уларни ювиш ва қуритиш осон, мустаҳкам, юмшоқ, юқори иссиқлик сақловчи, аллергияга қарши хусусиятларга эга. Simakx-Pars”нинг бу маҳсулотлари тежамкор уй бекалари учун нечоғли қулай экани ундан фойдаланганда намоён бўлади. Шу сабабдан кўплаб меҳмонхоналар ҳам бундай маҳсулотларнинг асосий харидори бўлишмоқда.

Боланинг соғлом вояга етиши бир қанча омилларга боғлиқ. Шу боис ота-оналар фарзандларининг тўғри овқатланишидан тортиб, қандай либослар кийиши, қайси турдаги жиҳозлардан фойдаланишигача қадар назорат қилишга ҳаракат қиладилар. Шу маънода, ҳозирги кунда “Simakx-Pars” ёрлиғи билан экологик тоза хом ашёдан тайёрланаётган енгил, ҳаво ўтказувчи, аллергияга қарши, иссиқликни яхши сақловчи ва даволаш-профилактика хусусиятига эга болалар ётоқ буюмлари ички бозорда тобора харидоргир бўлиб бораётир. Уларга кичкинтойлар севиб томоша қиладиган мультфильмлар қаҳрамонлари тасвири туширилгани, айниқса, болажонларга манзур.

— Корхонамиз фаолият бошлаган дастлабки йилларда хорижлик ҳамкорлардан зарур хом ашё олиб турдик, — дейди “Simakx-Pars” корхонаси бош директори Солиҳжон Зокиров. — Аввалига маҳсулот тайёрлаш борасида қийинчиликларга дуч келдик. Чунки йилнинг қай фасли бўлишидан қатъи назар, цехларда мўътадил ҳароратни сақлаб туриш муҳим эди. Мазкур талаб маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишини таъминлайди. Ўшанда ўн беш нафар ходим билан иш бошлаган бўлсак, айни пайтга келиб жамоамиз аъзолари қирққа яқин. Уларнинг асосий қисми ёшлардан иборат. Келгусида яна ўттизта қўшимча иш ўрни ташкил қилиш ниятидамиз.

Эътиборлиси, “Simakx-Pars”да ходимларнинг самарали меҳнат қилиши учун барча шарт-шароит яратилган. Махсус транспорт улар ихтиёрида. Жамоа аъзолари ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилинмоқда.

Бугунги кунда корхонанинг “ISO 9001” халқаро мувофиқлик сертификатига эга маҳсулотлари Олмалиқ, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Қарши ва бошқа шаҳарларга пешма-пеш етказиб берилаётир. Бинобарин, Самарқанддаги “СамАвто”, “Сторож А.В.”, “Катрис”, “Стекло пластик”, “Эл холдинг”, “Азиаспорт” каби хусусий корхоналар ҳамда “Олмазормебель” АЖ, “Ўзкимёмаш” ОАЖ сингари йирик ташкилотлар ҳам “Simakx-Pars”нинг доимий мижозлари ҳисобланади. Маҳаллийлаштириш дастури асосида иш олиб борилаётган корхонада жорий йил охирига қадар 400 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, шу кунга қадар 338 тонна, яъни 2 миллиард 882 миллион 510 минг сўмлик иш бажарилди.

Дарҳақиқат, изланиш, интилиш ва ташаббускорлик муваффақиятлар омили бўлиши, шубҳасиз. Буни яхши англаган “Simakx-Pars” жамоаси самарали ва баракали меҳнати билан юксак марраларга эришишни мақсад қилган. Зеро, мамлакатимизда тадбиркорлар, ишбилармонлар учун яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятлар ана шундай натижалар учун кенг йўл очади.

**Маъсуда ЁҚУБОВА.**

---

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида**

## «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ

**ва унинг ҳудудий филиалларининг танлов савдоларига чиқарилган ер майдонларига бўлган доимий фойдаланиш ва узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқларининг 2011 йил 11 ноябрдан 25 ноябргача бўлган муддатдаги танлов савдоси натижалари**

| Т/р | Объектнинг номи | Жойлашган жойи | Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати (сўмда) | Танлов ғолибининг таклифи (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| | **НАВОИЙ ВИЛОЯТИ** | | | |
| | **2011 йил 14 ноябрда** | | | |
| 1. | Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Навоий шаҳри, «Навоийазот» ОАЖ ва ГМЗ-1 корхоналари оралиғи | 1 368 000,0 | 1 450 000,0 |
| 2. | Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Навоий шаҳри, «Навоийазот» ОАЖ ва ГМЗ-1 корхоналари оралиғи | 1 710 000,0 | 1 800 000,0 |
| 3. | Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Навоий шаҳри, «Навоийазот» ОАЖ ва ГМЗ-1 корхоналари оралиғи | 1 710 000,0 | 1 850 000,0 |
| | **2011 йил 16 ноябрда** | | | |
| 4. | Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Навбаҳор тумани, «Кескантерак» ҚФЙ | 221 700,0 | 250 000,0 |
| | **2011 йил 17 ноябрда** | | | |
| 5. | Иссиқхона қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Навбаҳор тумани, «Кескантерак» ҚФЙ | 722 900,0 | 800 000,0 |
| 6. | Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Навбаҳор тумани, «Охунбобоев» ҚФЙ | 578 900,0 | 600 000,0 |
| 7. | Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Навоий шаҳри, «Навоийазот» ОАЖ ва ГМЗ-1 корхоналари оралиғи | 1 370 400,0 | 1 500 000,0 |
| 8. | Пенаблок ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Навоий шаҳри, «Навоийазот» ОАЖ ва ГМЗ-1 корхоналари оралиғи | 1 370 400,0 | 1 500 000,0 |
| 9. | Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Навоий шаҳри, «Навоийазот» ОАЖ ва ГМЗ-1 корхоналари оралиғи | 1 710 000,0 | 1 760 000,0 |
| 10. | Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Навоий шаҳри, «Истиқлол» МФЙ | 130 832,0 | 250 000,0 |
| | **АНДИЖОН ВИЛОЯТИ** | | | |
| | **2011 йил 15 ноябрда** | | | |
| 1. | Савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Асака шаҳри, Тўқимачилар кўчаси | 12 500,0 | 25 000,0 |
| 2. | Савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Асака шаҳри, «Навоий» МФЙ | 50 000,0 | 100 000,0 |
| 3. | Ишлаб чиқариш биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Асака шаҳри, Марғилоний кўчаси | 150 000,0 | 200 000,0 |
| 4. | Қурилиш моллари дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Асака тумани, «Ўзбекистон» ҚФЙ | 25 000,0 | 250 000,0 |
| | **2011 йил 16 ноябрда** | | | |
| 5. | Ишлаб чиқариш корхонаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Хўжаобод шаҳри, «Бобур» МФЙ | 599 100,0 | 900 000,0 |
| 6. | Ишлаб чиқариш объекти қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Хўжаобод шаҳри, «Бешкарам» МФЙ | 224 600,0 | 224 600,0 |
| | **2011 йил 18 ноябрда** | | | |
| 7. | Автомобилларга техник хизмат кўрсатишга мўлжалланган 2 қаватли устахона қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Избоскан тумани, «Намуна» ҚФЙ | 35 600,0 | 180 000,0 |
| | **2011 йил 23 ноябрда** | | | |
| 8. | 47-савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Хўжаобод тумани, «Бирлашган» ҚФЙ | 26 957,0 | 50 000,0 |
| 9. | Ишлаб чиқариш объекти қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Хўжаобод шаҳри, «Бешкарам» МФЙ | 224 646,0 | 400 000,0 |
| | **2011 йил 24 ноябрда** | | | |
| 10. | Савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Булоқбоши тумани, «Майариқ» ҚФЙ | 22 271,0 | 50 000,0 |
| 11. | Савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Булоқбоши тумани, «Майариқ» ҚФЙ | 22 271,0 | 45 000,0 |
| 12. | Умумий овқатланиш шохобчаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Булоқбоши тумани, «Майариқ» ҚФЙ | 44 542,0 | 55 800,0 |
| | **НАМАНГАН ВИЛОЯТИ** | | | |
| | **2011 йил 11 ноябрда** | | | |
| 1. | Савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Тўрақўрғон тумани, «Холматов» ҚФЙ | 18 600,0 | 30 000,0 |
| | **2011 йил 25 ноябрда** | | | |
| 2. | Чойхона биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Янгиқўрғон тумани, «Шарқ Юлдузи» ҚФЙ | 34 428,0 | 100 000,0 |
| 3. | Нон ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Янгиқўрғон тумани, «Шарқ Юлдузи» ҚФЙ | 22 952,0 | 40 000,0 |
| 4. | Дорихона биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Янгиқўрғон тумани, «Шарқ Юлдузи» ҚФЙ | 22 952,0 | 35 000,0 |
| 5. | Савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Янгиқўрғон тумани, «Шарқ Юлдузи» ҚФЙ | 11 476,0 | 25 000,0 |
| 6. | Сартарошхона қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Янгиқўрғон тумани, «Шарқ Юлдузи» ҚФЙ | 11 476,0 | 25 000,0 |
| 7. | Пойабзал таъмирлаш устахонаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Янгиқўрғон тумани, «Шарқ Юлдузи» ҚФЙ | 34 428,0 | 60 000,0 |
| 8. | Чойхона биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Янгиқўрғон тумани, «Қораполвон» ҚФЙ | 22 952,0 | 35 000,0 |
| 9. | Омихта ем сотиш шохобчаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи | Янгиқўрғон тумани, «Қораполвон» ҚФЙ | 22 952,0 | 35 000,0 |

---

## «SIRDARYO MULK MARKAZI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

2011 йил 29 декабрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биносининг мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сонли қарорига мувофиқ, Суд департаменти Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси Оқолтин тумани суд ижрочилари бўлимлари томонидан жиноят ишлари бўйича Сирдарё тумани судининг 2010 йил 13 июлдаги 2-47ж/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, давлат фойдасига мусодара қилинган, Гулистон шаҳри «Низом мулк плюс» хусусий фирмасида сақланаётган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** «VOLVO Fh-12» русумли, давлат рақами X 771 LRN бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолдаги автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 158 175 000 сўм.***

**2.** Соз ҳолдаги тиркама, давлат рақами 7987, 1997 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 34 200 000 сўм.***

Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлардан ариза иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Sirdaryo mulk markazi» МЧЖнинг ДАТ «Асака» банки Гулистон шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204944884001, МФО: 00373, СТИР: 302144586.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 56-хона. Телефонлар: (8-367) 226-28-93, 226-28-94.**

1680R/773

---

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**
**ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

---

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Сирғали тумани СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳри, Яккасарой туманлараро судининг 2010 йил 12 майдаги 1-3937/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Кашшоф 1-тор кўчаси, 30-уй, умумий ер майдони юридик ҳужжат бўйича 510 кв.м., ҳақиқий фойдаланиш майдони 525 кв.м. бўлган 6 та хона, бостирма, ошхона, 2 та ертўла, ҳожатхона, ҳаммомдан иборат бўлган уй-жой такроран қўйилмоқда. Ушбу уй-жой табиий газ, электр энергияси ва ичимлик суви билан таъминланган.

***Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2011 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2011 йил 28 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани,1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.**

*Лицензия: RR-0001.*

1684R/773

---

Бунёдкорлик

## Хиванинг кўркам бозори

***Хива шаҳрида деҳқон бозори қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

Қарийб уч гектар майдонни эгаллаган ушбу мажмуа 3 миллиард 500 миллион сўм эвазига барпо этилди. Ҳозир бу ерда харидор ва сотувчилар учун барча қулайлик яратилган. Эътиборлиси, янги бозор Хивага ташриф буюрувчи хорижлик сайёҳларга ҳам хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Умуман, кейинги 3 йил давомида вилоятда 4 та ана шундай бозор барпо этилди, 6 тасида кенг кўламли таъмирлаш ишлари олиб борилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

• MEBEL
• LDSP
• POROLON
• SEMENT
• HAR XIL MIXLAR
• ELEKTROD
• REYKALAR
• IZOL

MEBEL VA QURILISH MATERIALLARI KENG ASSORTIMENTDA
FAYZ



МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН
Тел.: 279-00-88.
1396R/



22R/1565

---

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раҳбарияти Илҳом Сафаровга акаси **Баҳодир БОБОБЕКОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ОМИХТА ЕМ 367,0 ▲ +45,6 | ШРОТ 303,5 ▼ -0,5 | ШЕЛУХА 125,9 ▼ -1,1 | ПОЛИЭТИЛЕН B-Y 460 3749,4 ▼ - 805,6 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 3352,8 ▼ - 220,7 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 3588,7 ▼ - 168,9 | МАЗУТ 351,6 ▲ +10,5 | СУЮЛТ. ГАЗ 2270,6 ▼ -88,4 | КЎМИР(бпк) 40,3 ▲ +1,0 |

***Адабиёт ривожига эътибор кўрсатиш, устоз адиб ва шоирлар меҳнатини эъзозлаш, ёш истеъдод соҳибларининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир.***

# ИЖОДКОР ЁШЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

"Дўрмон" ижод уйида бошланган "Истеъдод мактаби" ёш ижодкорларнинг иккинчи республика семинарида ушбу жиҳатлар яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" фонди ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинар машғулотларининг очилишида ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Бобур Алимов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоирлари Маҳмуд Тоир, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий адабиётимизни янада равнақ топтириш, халқимизнинг ардоқли ёзувчи ва шоирларининг ижодини кенг ўрганишга оид эзгу ишлар маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим қисми эканини таъкидладилар. Соҳа ривожи йўлидаги амалий саъй-ҳаракатлар буюк аждодларимизнинг ҳаёти, маънавий меросимиз, истиқлол йилларида қўлга киритилган улкан марраларнинг мазмун-моҳияти, халқимизнинг бемисл бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳияти, меҳнатсевар, фидойи ҳамюртларимиз образини ранг-баранг жанр ва усулларда тасвирлашда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 26 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ёрқин намунасидир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабиёт оламига ўзининг дадил сўзи билан кириб келаётган истеъдодли ёшларни аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, асарларини адабий жамоатчилик эътиборига ҳавола этишга оид бир қатор лойиҳалар, адабиёт ҳафталиклари, семинар-машғулотлар, ижодий танловларни ўтказиб келмоқда. Шеърият, наср, бадиий публицистика, драматургия, таржима ва бошқа йўналишларда изланаётган иқтидорли ёшларнинг ижод намуналари тўплам ҳолида чоп этилиб, уларнинг фаолиятини юқори талаблар асосида йўлга қўйиш, асарларини тарғиб ва ташвиқ этишга катта эътибор қаратилаётир.

"Истеъдод мактаби" ёш ижодкорларнинг республика семинаридан кўзланган асосий мақсад адабиётга ихлоси баланд йигит-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, билим ва кўникмаларини ошириш, ўзбек ва жаҳон адабиётидаги жараёнлар билан кенгроқ таништиришдан иборатдир.

Гулжаҳон Сейтназарова Қорақалпоқ давлат университетининг филология факультетида таҳсил олади. 2010 йилда "Келажак овози" республика кўрик-танловида бадиий ижод йўналиши бўйича муваффақиятли иштирок этган.

— Ўзбекистонимизда истеъдод соҳибларига алоҳида меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ижодини янги, янада юқори талаблар асосида йўлга қўйиш юзасидан амалга оширилаётган эзгу ишларни кундалик фаолиятимизда доимо ҳис этиб яшаяпмиз, — дейди Г. Сейтназарова. — Ҳозиргача "Баҳорим келди", "Бахтли қизлар" сингари шеърий тўпламларим нашр этилди. Бундай ўқув машғулотлари устозлар, адабиёт намояндалари суҳбатидан, маслаҳат ва ўгитларидан баҳраманд бўлиш, машқларимизни уларнинг назаридан ўтказиш, тенгдошларимиз фаолияти билан яқиндан танишиш имконини беради.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ВАТАНПАРВАР, САДОҚАТЛИ, МАТОНАТЛИ

**ҳарбийларимиз она-юрт осойишталиги посбонларидир**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## Замон билан ҳамнафас

Шиддат билан ривожланиб, тараққий этаётган замонамизда ўқув жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларисиз, машғулот ўтишнинг инновацион усул ва воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлиги, хусусан, отиш тайёргарлиги бўйича билимларини ошириш ва кўникмалар ҳосил қилишлари учун жойларда компьютерлаштирилган ўқув марказлари ташкил этилгани шу жиҳатдан эътиборга молик. Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам бундай марказда турли жанговар қуролларни қўллаш сир-асрорлари ўзлаштирилиб, назарий билимлар мустаҳкамланмоқда. Дарвоқе, қуроллардан нишонларни мўлжалга олиш ва отиш жараёнида ўт очувчининг ҳолати ўзгартирилиши машғулотларни реал дала-ўқув шароитига имкон қадар яқинлаштиришга йўл беради.

— Ушбу ўқув масканида билим олишимиз учун барча шарт-шароит муҳайё этилган, — дейди кичик сержант Турғун Тожиев. — Ҳаво ҳужумидан мудофаа, муҳандислик, артиллерия қўшинлари, таъминот хизмати мутахассисларининг амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш учун жиҳозланган кичик дала-ўқув полигони, машғулот хоналари мавжуд. Шунингдек, маиший ва яшаш шароитлари кўнгилдагидек ташкил этилган. Бизга қўйилаётган ягона ва асосий талаб — берилаётган билимларни қунт билан ўзлаштириш ҳамда кейинчалик хизмат давомида уларни самарали қўллаш.



## Жанговар тайёргарликнинг муҳим омили

Интеллектуал салоҳиятни юксалтириш, камолот чўққиларини забт этишда жисмонан чиниқиш муҳим омил саналади. Шунинг учун ҳам кун тартибида курсантларнинг, қолаверса, мактаб шахсий таркибининг жисмоний тайёргарлиги доим долзарб бўлиб келган. Сержантлар тайёрлаш мактабида жисмоний тайёргарлик машғулотларини ўтказиш учун замонавий спорт зали ва шаҳарчаси зарур анжом ҳамда жиҳозлар билан таъминланган.

— Ўқув режасига киритилган машғулотлардан кўзланган асосий мақсад курсантларнинг жисмоний кўрсаткичлари талаб даражасида бўлишини, улар томонидан мавжуд меъёрлар бажарилишини таъминлаш, — дейди подполковник Алишер Тошботиров. — Машғулотлар давомида йўриқчилар маълум спорт машқини бажаришдаги натижаларни яхшилаш, умумий жисмоний ҳолатни мустаҳкамлаш бўйича керакли кўрсатмаларни бериб борадилар. Ўқув масканимизни битирувчилар тайёргарликнинг бу тури бўйича ҳам имтиҳон топширадилар.

## Узлуксиз жараён

Ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида атрофида кечаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларни ҳамда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш муҳим вазифалардан биридир. Бу эса бевосита ҳарбий жамоаларда олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг тўғри йўлга қўйилиши, зарур усул ва воситаларнинг қўлланилиши, қолаверса, маънавий-маърифий машғулотлар самарадорлигига боғлиқ.

— Тарбиявий ишларни олиб бориш фақатгина тарбиячи офицерларгагина боғлиқ эмас, — дейди майор Шуҳрат Атаханов. — У барча бўғин командирлари билан ҳамжиҳатликда, доимий ва узлуксиз тарзда амалга оширилсагина наф бериши мумкин. Масалан, дала-ўқув шароитида ҳам юрт посбонларининг билими ва салоҳиятини юксалтириш, маънавий дунёқарашини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратилиши лозим. Маънавият ва маърифат хоналарини зарур анжом ҳамда воситалар, газета ва журналлар, турли адабиётлар билан таъминлаш, машғулотга тайёргарлик кўриш ва олиб бориш, кўп жиҳатдан, машғулот раҳбарининг маҳорати, тажрибасига боғлиқ.

## Маънавий юксалиш йўлида

Маънавияти юксак инсоннинг иродаси мустаҳкам бўлади. Сержантлар тайёрлаш мактаби кутубхонаси курсантларнинг маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда.

— Кутубхонамизда ўн мингга яқин китоб, 75 хил газета ва журналлар бор, — дейди кутубхона ходими Дилфуза Саидаҳмедова. — Демак, ёши ва диди турлича бўлган китобхонлар ўзларига маъқул мавзу ҳамда йўналишдаги, мумтоз ва замонавий адабиётларни, жаҳон ҳамда юртимиз адиблари, шоирлари қаламига мансуб сара асарларни, даврий нашрларни мутолаа қилишлари мумкин.

Профессионал ҳарбий кадрларни тайёрлашда устоз офицерларнинг маҳорати ва тажрибаси ҳам устувор аҳамият касб этади. Кичик командирларга жонкуярлик билан сабоқ бераётган устоз офицерлар ҳақида сўз кетганда Равшан Аббосов, Олег Шипилов, Бахтиёр Дадажонов, Обид Ўсаров, Абдулла Ҳамидов, Қуролли Кучлар хизматчилари — Ҳалима Медетова, Чарос Жўраева, Манзура Турдиева номини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий жиҳозлар, энг илғор технологиялар билан таъминланган, янгича мазмун ва қиёфадаги сержантлар тайёрлаш мактабида ҳақиқий ватанпарвар, ҳарбий соҳанинг усталари, профессионаллар етишиб чиқади. Билим олишга, ўз устида ишлашга бўлган интилиш уларни бутун ўқув даври, энг муҳими, ҳарбий фаолиятлари мобайнида асло тарк этмайди.

**Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.**


● Реклама ва эълонлар ●

**«Farg'ona charm polimer» МЧЖ**

**ўзи ишлаб чиқарган қуйидаги маҳсулотларни сотади:**

- ҳар хил турдаги қурилиш линолеумлари;
- ПВХдан бўлган қопламалар;
- ПВХдан турли плёнкалар;
- пойабзал, чарм-атторлик, мебель ва автомобиль учун турли сунъий чармлар.

***Маҳсулот сертификатланган.***

**Манзил: Фарғона шаҳри, Химиклар кўчаси, 3-уй.**
**Телефон: (8-373) 222-37-91.**
**Факс: (8-373) 222-37-78. Моб.: (+99897) 782-25-64.**
**E-mail: charm_polimer@mail.ru, kazimov62@mail.ru**

150R/132

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**I.** Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 23 апрелдаги 10-0408/7763-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 74-уйдаги «Паркент ихтисослашган бозори» ОАЖ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 9 кв.м. бўлган, 2004 йилда қурилган, 18-сонли турғун савдо дўкони қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 56 470 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2011 йил 14 июлдаги 1-12293-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ҳамза тумани, Тузел мавзеси, 2-даҳа, 14-уй, 62-хонадон манзилида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 84,01 кв.м. бўлган 4 та хона, ҳожатхона, ҳаммом ва ойнали айвондан иборат хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 58 200 000 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2010 йил 14 октябрдаги 1-6707110-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарвоза кўчаси, Аричний берк кўча, 16/137-«А» уй манзилида жойлашган, умумий майдони 373 кв.м. бўлган, 3 та хона, омборхона, айвон, ертўла ва 2 та соябондан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 71 726 353 сўм.***

**2.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 5 июлдаги 19184/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 4-даҳа, 23-уй, 13-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 58,21 кв.м. бўлган, 2 та хона, айвон, ошхона, ҳожатхона, ҳаммомдан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 50 562 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 19 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 17 январь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.**

*Лицензия: RR-0001.* 1685R/773

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

«Capital Realtor Group» МЧЖ 2012 йил 16 ва 31 январь кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилди:

**Чиноз тумани суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган:**

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 18 апрелдаги 11-1128/4692-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «AL-YASSA» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Ўзбекистон» ҚФЙ, Сутчилар бўлимида жойлашган, умумий майдони 8738,97 кв.м. бўлган ферма бино ва иншоотлари.

***Бошланғич нархи — 300 000 000 сўм.***

**Чиноз тумани суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган:**

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Оҳангарон туманлараро судининг 2010 йил 25 апрелдаги 156-2/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «OLTIN FAVVORA» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Саноат ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1163,94 кв.м. бўлган нотуражой биноси.

***Бошланғич нархи — 213 000 000 сўм.***

**Қуйи Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган:**

Жиноий ишлар бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2011 йил 10 августдаги 1-186-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «INFRASTRUKTURA SERVIS» ХКга тегишли, Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, «Майдонтол» ҚФЙ, Кизана қишлоғида жойлашган, фойдаланиш майдони 310,29 кв.м. бўлган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси.

***Бошланғич нархи — 81 816 879 сўм.***

**Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган:**

**1.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 24 ноябрдаги 6098-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Охунбобоев Агро Файз» агрофирмасига тегишли, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Охунбобоев ш/х, «Қиғадоқ» ҚФЙ, Олмазор кўчасида жойлашган, ер майдони 0,79 гектар, қурилиш ости майдони 826,46 кв.м. бўлган 2 қаватли идора ва чойхона бино-иншоотлари.

***Бошланғич нархи — 471 600 720 сўм.***

**2.** Жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар Миробод тумани судининг 2010 йил 11 августдаги 8588/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ш. Ахуновга тегишли, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Хонобод» ҚФЙ, Номданак кўчасида жойлашган, ер майдони 0,08 гектар, умумий фойдаланиш майдони 96,25 кв.м. бўлган қурилиши битмаган уй-жой.

***Бошланғич нархи — 134 626 014 сўм.***

**3.** Жиноий ишлар бўйича Тошкент вилояти судининг 2010 йил 4 мартдаги 2-037-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Э. Ходжаевга тегишли, Тошкент вилояти, Зангиота тумани (аввалги Тошкент тумани), «Кўксарой» ҚФЙ, У. Юсупов кўчаси, 7-уйда жойлашган, ер майдони 0,013 гектар, умумий фойдаланиш майдони 18,0 кв.м. бўлган қурилиши битмаган уй.

***Бошланғич нархи — 4 927 397 сўм.***

**4.** Жиноий ишлар бўйича Тошкент вилояти судининг 2010 йил 4 мартдаги 2-037-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, М. Агзамходжаевага тегишли, Тошкент вилояти, Зангиота тумани (аввалги Тошкент тумани), «Ҳасанбой» ҚФЙ, Кенгсой маҳалласи, Бахт кўчаси, 2-уйда жойлашган, ер майдони 1200 кв.м., фойдаланиш майдони 78,3 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич нархи — 28 272 051 сўм.***

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.**

*Лицензия: RR-0017.* 1682R/1192

**ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР**

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

**ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)**

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.**
**Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.**

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

1533R/1304


| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 207,0 ▲ +8,4 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 КД20) 192,4 ▼ -2,7 | АРМАТУРА 3269,5 ▼ -398,9 | ШИФЕР (1 лист) 14427 ▲ +247 | АЗОТ. ФОСФОР ЎҒИТИ 370,1 ▲ +0,5 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг. |


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 48409 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.**
**Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.**
**Навбатчи — М. Холматова.**
**Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5